

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САМАНДАРОВ ДОСТОН ИШМУХАММАТ ўғли

**ИПАК ҚУРТИ ҒУМБАГИНИ ДАСТЛАБКИ ҚАЙТА ИШЛАШ УЧУН
ВИБРАЦИЯЛИ ИНФРАҚИЗИЛ ҚУРИЛМАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.16 - Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва
аппаратлари (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктори философии (PhD)
Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Самандаров Достон Ишмухаммат ўғли

Ипак курти ғумбагини дастлабки қайта ишлаш

учун вибрацияли инфрақизил қурилмани

такомиллаштириш3

Самандаров Достон Ишмухаммат угли

Совершенствование вибрационной инфракрасной

установки для первичной переработки

коконов тутового шелкопряда21

Samandarov Doston Ishmukhammat ugli

Improving the vibrational infrared equipment

for the primary processing

of silkworm cocoons41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....44

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САМАНДАРОВ ДОСТОН ИШМУХАММАТ ўғли

**ИПАК ҚУРТИ ҒУМБАГИНИ ДАСТЛАБКИ ҚАЙТА ИШЛАШ УЧУН
ВИБРАЦИЯЛИ ИНФРАҚИЗИЛ ҚУРИЛМАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.16 - Кимё технологияси ва озик-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва
аппаратлари (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T1539 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdtu.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Сафаров Жасур Эсиргапович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Исабаев Исмоил Бабажанович
техника фанлари доктори, профессор

Чориев Абдусаттор Жўраевич
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Фарғона политехника институти

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг «17» ИЮЛЬ 2021 йил соат «11» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz. Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (17 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси 32-уй. Тел.: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2021 йил «05» ИЮЛЬ куни тарқатилди.
(2021 йил «05» ИЮЛЬ даги № 22 - рақамли реестр баённомаси).



С.М.Туробжонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И.Қодиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.ф.д., доцент

Қ.О.Додаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон миқёсида энгил саноатнинг ипакчилик соҳаси техника ва технологияларини ривожлантириш ҳамон иқтисодийнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Такмиллаштирилган юқори самарадор конструктив қурилмаларни амалда қўллаш ушбу соҳадаги қатор илмий-техник муаммоларни ечмоқда. Хитой, Япония, Италия, Хиндистон, Бразилия, Корея, Россия каби ривожланган мамлакатларнинг ипакчилик саноатида такмиллаштирилган техник воситалар ва технологиялар ипак қурти ғумбагини дастлабки қайта ишлашда муҳим рол ўйнамоқда. Шунга боғлиқ ҳолда технологик жараёнларни техник жиҳатдан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда ипакчиликни ривожлантиришда ипак қурти ғумбагини етиштириш ва уни қайта ишлаш жараёнини оптималлаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ипак қурти ғумбагини дастлабки қайта ишлаш учун қурилма ва жараёнлар, хусусан, сифатли маҳсулот олиш учун жонсизлантириш ва қуритиш технологияларини такмиллаштириш, энергиятежамкор қуритиш қурилмалари ва пиллани дастлабки қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш, ипак қуртини дастлабки қайта ишлаш жараёнини моделлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда соҳани ривожлантириш дастурига мувофиқ ипак қурти етиштиришни қайта тиклаш ва ривожлантириш, ипак қуртини юқори сифатли маҳаллий грён билан таъминлаш, пилла етиштириш ҳажмини ошириш, ипак қурти емиш базасини кенгайтириш ва ипакни қайта ишловчи корхоналарни юқори сифатли хомашё билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегиясида” ... макроиқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаш, миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш... саноатдаги энергия ва ресурслардан фойдаланишни камайтириш, энергиятежамкор технологияларни кенг жорий этиш”¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада вибрацион инфрақизил қуритиш қурилмасини такмиллаштириш ва ипак қурти ғумбагининг деворидаги иссиқлик ва намлик ўтказишни моделлаштириш асосида ипак сифатини сақлаган ҳолда дастлабки ишлов бериш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-3472-сон “Республикада ипакчилик саноатини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 12 январдаги ПҚ-2856-сон “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот ишлари республика фан ва технологиялар ривожланишининг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш жараёнлари технологияси ва техник таъминотини амалга ошириш, шу жумладан ипак қурти ғумбагини дастлабки қайта ишлаш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар қуйидаги хорижий олимлар томонидан олиб борилган: Н.Zhang, J.Magoshi, M.Tsukada, J.Xing, E.Musayev, E.K.Nguku, Y.T.Hendaw, С.Г.Кузнецов, Э.Б.Рубинов, В.В.Красников, А.В.Лыков, Б.С. Сажин, шунингдек, маҳаллий олимлардан: Н.Р.Юсупбеков, З.С.Салимов, Дж.Н.Мухиддинов, А.Ф.Сафаров, Ж.М.Курбанов, Х.А.Алимова, К.Р.Авезов, С.З.Арипов, Х.Ф.Джураев, Қ.О.Додаев, К.Т.Норкулова ва бошқалар. Улар томонидан ғовкли материалларни қуритишнинг илмий асослари ва хомашёни қуритишда замонавий технологияларни жорий этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, жаҳон ҳамжамияти олимлари қуритиш технологиясини ривожлантириш, юқори самарали ресурс ва энергиятежамкор қурилмаларни лойиҳалаш, ипак қурти ғумбагидан юқори сифатли маҳсулотларни олиш ва ипак қуртинини дастлабки қайта ишлаш жараёнини моделлаштириш бўйича устувор йўналишларда фаол изланишлар олиб боришмоқда. Бироқ ипак қурти ғумбагини дастлабки қайта ишлаш бўйича илмий изланишлар технологик жараёни жадаллаштириш ҳамда тайёр маҳсулотнинг таркибий моддалари сифатини сақлаб қолиш имконини берадиган, такомиллаштирилган қурилмалар синтези нуқтаи назаридан етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълимнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф-А-2018-029 «Ипак қурти ғумбагини жонсизлантириш ва қуритиш учун техника ва технология ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзусидаги амалий илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ипак қурти ғумбагини дастлабки қайта ишлаш учун вибрацион инфрақизил қурилмани такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дастлабки қайта ишлашни оқилона ташкил этиш ҳисобига энергия тежаш, ишлов бериш жараёни давомийлигини қисқартириш ва тайёр маҳсулотнинг юқори сифатини таъминлаш;

ипак қурти ғумбаги деворларида иссиқлик ва намлик ўтказилиш жараёнининг математик ифодасини тузиш, пиллаларни қуритиш жараёнини тадқиқ этиш ва оптималлаштириш;

вибрация таъсирида ипак қурти ғумбаги деворларида иссиқлик ва намлик ўтказилиш жараёнини тавсифловчи энергия ва масса сақланишнинг математик ифодасини шакллантириш;

намлик тарқалишининг самарали коэффициентлари ва ИҚ-қиздириш билан қуритиш тезлиги олиш учун вибрация параметрлари ҳамда қуритиш шароитлари комбинацияларининг кинетикасини ўрганиш;

олинган тажриба натижаларини Windows операцион муҳитида замонавий MATLAB 6.5, STATISTIKA 6.0, Microsoft Excel компьютер дастурлари ёрдамида қайта ишлаш;

ипак курти ғумбагини дастлабки қайта ишлаш учун энергия тежамкор вибрацияли инфрақизил (ИҚ) қурилмани такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ипак курти ғумбаги (*Bombyx mori*) олинган.

Тадқиқотнинг предметини энергиятежамкор вибрацияли инфрақизил қуритиш қурилмаси ва қуритиш жараёнининг параметрлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда кимёвий технологиянинг назарий асосларидан фойдаланилган ҳолда тизимли таҳлил қилиш ҳамда мураккаб техник ва технологик тизимларни синтез қилиш методологияси, технологик жараён ва тизимларни математик моделлаштириш ва оптималлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қуритилган ипак куртининг сифат кўрсаткичлари ва унинг иссиқлик ўтказувчанлик хусусияти аниқланган;

сувсизлантириш жараёнининг мақбул параметрларини аниқлашда иссиқлик таъсирини ҳисобга олган ҳолда ипак курти ғумбаги деворларида иссиқлик ва намлик ўтказилиш жараёнининг математик модели ишлаб чиқилган;

ипак курти ғумбаги деворларида иссиқлик ва намлик ўтказилиш жараёнларини тавсифловчи энергия ва масса сақланиш тенгламалари ишлаб чиқилган;

комбинацияли қуритиш жараёнида вибрация параметрлари учун қуритиш кинетикаси ва самарали намлик тарқатиш коэффициенти аниқланган;

ипак курти ғумбагини дастлабки қайта ишлаш учун паст ҳароратда ишлайдиган вибрацияли инфрақизил қурилма такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

$D_{\text{эфф}}$ диффузия тарқалиш самарадорлигига таъсир қилувчи амплитуда A ва частота F ларининг турли хил комбинацияларидан турли хил иш шароитлари учун ўзига хос энергия сарфи қиймати олинган ва қурилманинг мақбул энергия тавсифи аниқланган;

вибрациянинг максимал тебраниш амплитудаси $A=0,016$ м ва минимал частотаси $F=8,15$ Гц бўлганда ИҚ-қуритиш жараёнини яхшиланиши аниқланган;

ипак курти ғумбагини ИҚ-қиздириш орқали дастлабки ишлов бериш жараёнида вибрациядан фойдаланиш ҳисобига яхшиланди, қуритиш жараёнининг ҳарорати ва давомийлигини камайтирилиши асосланган;

пиллаларга вибрацияли инфрақизил қуритиш қурилмасида 65-70 °С ҳароратда 8-10 дақиқа ишлов берилганда ғумбаклар 100% нобуд бўлиши ва 7 кун давомида 38-40 °С га тенг бўлган хона ҳароратида охириги намлик 10-12% гача қуриши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижалар замонавий усул ва воситалар ёрдамида амалга оширилган назарий ва экспериментал тадқиқот натижаларининг уйғунлиги, ҳамда Windows операцион муҳитида замонавий MATLAB 6.5, STATISTIKA 6.0, Microsoft Excel компьютер дастурлари ёрдамида амалга оширилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ипак қурти ғумбаги деворларида иссиқлик ва намлик ўтказилиш ҳамда сувсизланиш жараёнларининг мақбул параметрларини танлашда ҳарорат шароитларининг таъсири, самарали вибрация коэффицентларини олиш учун турли вибрация параметрлари ва қуритиш шароитлари ҳамда қуритиш кинетикасини ҳисобга олган ҳолда аниқланганлиги, ипак қурти ғумбагини дастлабки қайта ишлаш технологияси параметрларининг илмий асосланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ипак қурти ғумбагини дастлабки қайта ишлаш учун энергия тежамкор вибрацияли инфрақизил қурилманинг конструкциясини такомиллаштириш, мавжуд қурилмаларнинг имкониятларини қиёсий ўрганиш натижасида уларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш ва қуритиш қурилмаси учун техник шароитларнинг тайёрланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ипак қурти ғумбагини дастлабки қайта ишлаш қурилмасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

паст ҳароратда ишлайдиган, такомиллаштирилган вибрацияли инфрақизил қурилма «O'RTACHIRCHIQ AGRO-PILLA» МЧЖда амалиётга жорий қилинган (“Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг 2020 йил 29 июндаги 1-1/1258-сон маълумотномаси). Натижада, мавжуд қурилмаларга нисбатан 10 баробар кам энергия сарфлаш ҳамда 95-100% гача сифатли пилла олиш имконини берган;

ипак қурти ғумбагини дастлабки қайта ишлаш технологияси «O'RTACHIRCHIQ AGRO-PILLA» МЧЖда амалиётга жорий қилинган (“Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг 2020 йил 29 июндаги 1-1/1258-сон маълумотномаси). Натижада, пиллага ишлов бериш ҳажмини 1,22 баробар кўпайтириш ва хомашё йўқотилишини 8% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-техник анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш, жумладан, 6 та илмий мақола, булардан 2 та халқаро журналларда, 4 та республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий қисми 120 бетни ташкил этиб, унда 37 та расм ва 28 та жадваллар келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, шунингдек, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига тегишлилиги, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларининг ишончлилиги, ҳамда ушбу тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Ипак қурти ғумбагини дастлабки қайта ишлашнинг замонавий ҳолатлари”** таҳлил қилинган. Мавжуд жараён ва аппаратлар, саноатда ипак қурти ғумбагини дастлабки қайта ишлаш, қуритиш қурилмасида содир бўладиган жараёнларни математик моделлаштириш, қуритиш қурилмаларининг иш даврини ҳисоблаш ва лойиҳалаш бўйича илмий адабиётларда таҳлилий шарҳ ўтказилган.

Мамлакат қишлоқ ҳўжалигида кенг тарқалган қуритиш қурилмаларини баҳолаб, ипак қурти ғумбагини қуритишнинг саноат усуллари яратишни талаб қиладиган муаммолар мавжуд деган хулосага келинди. Бўлимнинг мавжуд материалларини таҳлил қилиш асосида ишнинг асосий мақсадлари ва вазифалари белгиланди.

Диссертациянинг **“Ипак қурти ғумбаги деворларида иссиқлик ва намлик ўтказилишини моделлаштириш”** номли иккинчи бобида ипак қурти ғумбаги деворларида иссиқлик ва намлик ўтказилиш натижалари келтирилган. Ғовакли материаллар орқали иссиқлик узатиш жараёни турли хил механизмларни ўз ичига олиш мумкин, масалан, иссиқлик ўтказувчанлик, иссиқлик конвекцияси, иссиқлик нурланиши, фазали ўзгаришлар пайтида яширин иссиқлик узатилиши ва ҳ.к.

Ушбу бобда экспериментал маълумотлар ва корреляцияларга асосланган самарали намлик узатиш коэффицентларини олиш учун турли хил тебраниш параметрлари ва қуритиш шароитлари орқали қуритиш кинетикасини ўрганиш тавсифланади. Амплитуда A ва частота F турли хил бирикмаларидан олинган вибрация B нинг “универсаллиги”ни ва унинг самарали диффузия $D_{\text{эфф}}$ га таъсири таҳлил қилинади. Шунингдек, мақбул энергия тавсифларини аниқлашда турли хил иш шароитлари учун ўзига хос энергия сарфи олиниши керак.

Сувнинг миқдори (суюқ ва буғсимон) материалнинг қуруқ ҳолатдаги намлиги билан (қаттиқ модда таркибидаги умумий намлик) қуйидаги тенглама орқали боғлиқ бўлиши мумкин:

$$X = \frac{C_{\text{п}} + C_{\text{ж}}}{\rho_{\text{с}}} \quad (1)$$

бунда, X - намлик миқдори; $\rho_{\text{с}}$ - қаттиқ модданинг солиштирма массаси; $C_{\text{п}}$ - буғнинг концентрацияси; $C_{\text{ж}}$ - суюқликнинг концентрацияси.

Шундай қилиб, материал доимий қаттиқ ҳусусиятга эга бўлса, у ҳолда модданинг диффузия моделини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\frac{\partial X(r,t)}{\partial t} = \frac{1}{r^2} \frac{\partial}{\partial r} \left[r^2 D_{\text{эфф}} \cdot \frac{\partial X(r,t)}{\partial r} \right] \quad (2)$$

Буғ ва суюқликнинг тарқалиши тубдан фарқ қилгани ва иккала фазадаги сув миқдори намликнинг умумий миқдорини акс эттиргани сабабли, самарали диффузия ($D_{\text{эфф}}$) ҳар икки фазада одатдаги намлик ўтказилишини ҳисобга олади. Бундан ташқари, қуритиш жараёнида сув молекулалари буғланиш пайтида зарраларнинг ғовак деворлари билан ўзаро таъсир қилиши мумкин, бу терлаш ёки сиртнинг таъсирланишини характерлайди.

Шунинг учун, ғовакли материални қуритиш пайтида юзага келадиган барча диффузия механизмларини қамраб оладиган янги самарали параметрни аниқлаш қулай бўлади. Ҳисобланган самарали масса узатиш параметри барча диффузия

механизмларининг ўртача қийматидан олинган самарали диффузияланиш қобилиятидир;

$$\frac{1}{D_{\text{эфф.г}}} = \frac{1}{D_{\text{эфф.к}}} + \frac{1}{D_{\text{эфф.п}}} + \frac{1}{D_{\text{эфф.ж}}} + \frac{1}{D_{\text{эфф.пв}}} \quad (3)$$

бунда, $D_{\text{эфф.к}}$ - Кнудсеннинг самарали диффузияси; $D_{\text{эфф.п}}$ - буғнинг самарали диффузияси; $D_{\text{эфф.ж}}$ - суюқликнинг самарали диффузияси; $D_{\text{эфф.пв}}$ - юза қисмининг самарали диффузион хусусияти ($t=0$ ва $0 \leq r \leq R$ учун):

(2) тенглама қуйидаги бошланғич талабларга бўйсинади ($t=0$ ва $0 \leq r \leq R$):

$$\text{С. I : } X(r, 0) = X_0 \quad (4)$$

Энг кенг тарқалган чегара шarti (2) тенгламага қўлланилади, бу эса заррачанинг марказидаги намлик концентрацияси профили симметрик эканлигини англатади ($t>0$ ва $r=0$ учун):

$$\text{С. С. 1 : } \left. \frac{\partial X(r,t)}{\partial r} \right|_{r=0} = 0 \quad (5)$$

Дастлаб ташқи масса узатишда қаршилик жуда кичик ($\text{Био} \rightarrow \infty$) бўлганда зарра юзасида мувозанат намлиги ўрнатилса, биринчи турдаги ёки Дирихленнинг талаби қабул қилинади ($t>0$ ва $r=R$ учун):

$$\text{С. С. 2 (a) : } X(r, t)|_{r=R} = X_{\text{равн.}} \quad (6)$$

бунда, R - заррачанинг радиуси; $X_{\text{равн.}}$ - намликнинг динамик мувозанат таркиби.

Агар дастлабки намлик доимий бўлса (2) тенгламанинг аналитик ечимини олиш мумкин, намликнинг доимий самарали тарқалиши ва зарраларнинг аҳамиятсиз қисқариши “Кранка модели” деб номланувчи тенглама ёрдамида аниқланади:

$$\text{КВ} = \frac{X(r,t) - X_{\text{равн.}}}{X_0 - X_{\text{равн.}}} = \frac{2R}{\pi} \sum_{n=1}^{\infty} \frac{(-1)^{n+1}}{n \cdot r} \sin\left(\frac{n\pi r}{R}\right) \exp\left[-\left(\frac{n\pi}{R}\right)^2 D_{\text{эфф.}}\right] \quad (7)$$

бунда, КВ - намлик коэффиценти; X_0 - бошланғич намлик; n - шартлар сони.

Вақт функцияси сифатида заррадаги ўртача намлик қуйидагилардан олинади:

$$X(t) = \frac{3}{R^3} \int_0^R X(r, t) r^2 dr \quad (8)$$

(7) тенгламани (8) формулада ифодаланган ҳолда, зарраларнинг ўлчовсиз ўртача намлиги вақт функцияси сифатида олинади:

$$\text{КВ} = \frac{X(t) - X_{\text{равн.}}}{X_0 - X_{\text{равн.}}} = \frac{6}{\pi^2} \sum_{n=1}^{\infty} \left(\frac{1}{n}\right)^2 \exp\left[-\left(\frac{n\pi}{R}\right)^2 D_{\text{эфф.}}\right] \quad (9)$$

Адабиётларда ўртача намлик таркибидаги ўзгаришларни куриштиш вақтининг функцияси сифатида тавсифлаш учун (9) тенглама классик равишда қўлланилади.

Агар заррачалар юзасида масса узатилишига ташқи қаршилик ($\text{Био} \rightarrow 0$) қабул қилинса, (2) тенгламани ечиш учун учинчи турдаги ёки Робин чегара ҳолати ($t>0$ и $r=R$ учун) қўлланилади:

$$\text{С. С. 2 (b) : } -D_{\text{эфф.}} \left. \frac{\partial X(r,t)}{\partial r} \right|_{r=R} = \beta_{\text{эфф.}} [X(r, t) - X_{\text{равн.}}] \quad (10)$$

бунда, $\beta_{\text{эфф.}}$ - масса узатилишининг самарали параметри.

(10) формула намликнинг йўқолиш тезлиги ортиқча намликка тўғридан-тўғри пропорционаллигини кўрсатади. Бошланғич ва чегара шароитларига

(С.С.1 ва С.С.2 (b)) асосланиб Био сони жиҳатидан диффузия моделининг ечими куйидагича бўлади:

$$KB = \frac{X(t) - X_{\text{равн.}}}{X_0 - X_{\text{равн.}}} = 6 \sum_{n=1}^{\infty} \frac{\text{Bio}^2}{\lambda_n^2 (\lambda_n^2 + \text{Bio}(\text{Bi} - 1))} \exp\left(-\lambda_n^2 \frac{D_{\text{эфф.}}}{R^2}\right) \quad (11)$$

бунда, λ_n - трансцендентал тенгламаларнинг илдизлари.

(11) тенгламанинг ечими иккита параметрни (Био ва $D_{\text{эфф.}}$) баҳолашни талаб қилади. (λ_n) нинг қиймати трансцендентал тенгламадан олинади:

$$\lambda_n \text{ctg}(\lambda_n) + \text{Bio} - 1 = 0 \quad (12)$$

Чегара шартларини ҳисобга олган ҳолда тезкор қуритиш ишларига тадбиқ этиладиган янги параметрлар тўпламига ($D_{\text{эфф.}}$ ва φ) эга бўлган модель таклиф қилинди (вибрацияли ИҚ қуритиш қурилмасидаги каби)

$$\text{С. С. 2 (c): } X(r, t)|_{r=R} = (X_0 - X_{\text{равн.}}) \exp(-\varphi t) + X_{\text{равн.}} \quad (13)$$

Ушбу чегара шартида φ сирт қуритиш доимийлиги бўлиб, у сирт намлигининг мувозанат қийматига яқинлашишини аниқлайди. Конвектив чегара шароитлари учун диффузия моделининг аналитик ечими (5) ва (13) тенгламаларда келтирилган:

$$KB = \frac{X(t) - X_{\text{равн.}}}{X_0 - X_{\text{равн.}}} = \exp(-\varphi t) \left\{ 1 + \frac{6\varphi R^2}{D_{\text{эфф.}}} \sum_{n=1}^{\infty} \frac{1}{n^2 \pi^2} \cdot \left[\frac{1 - \exp(\varphi - n^2 \pi^2 D_{\text{эфф.}})}{R^2} \right] \right\} \quad (14)$$

Ушбу икки параметрли ечим мос равишда яхшиланиши кутилмоқда, чунки у икки даражали эркинликка эга. Бизга маълумки бу чегара шарти вибрацияли ИҚ қуритиш қурилмасида ғовакли материалларни қуритиш учун қўлланилмаган. Ушбу ишда намлик тарқалишининг самарали коэффиценти Аррениуснинг нисбати бўйича қуритиш ҳарорати функцияси сифатида баҳоланади:

$$D_{\text{эфф.}} = D_0 \exp\left(\frac{E_a}{R_g T}\right) \quad (15)$$


бунда, D_0 - дастлабки экспоненциал омил, E_a - фаолланиш энергияси, R_g - универсал газ доимийси, T - қуритиш ҳарорати.

Диссертациянинг **“Ипак қурти ғумбагини дастлабки қайта ишлашнинг экспериментал тадқиқотлари”** номли учинчи бобида ипак қурти ғумбагини дастлабки қайта ишлаш жараёнини ўрганиш натижалари келтирилган.

Олинган назарий натижаларга асосланиб, И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида ипак қурти ғумбагини дастлабки қайта ишлаш жараёнини амалга ошириш учун экспериментал вибрацияли инфрақизил қурилма ишлаб чиқилган бўлиб, у жараённинг мақбул параметрларини олиш имконини берди (1-расм).

Ушбу қурилма инфрақизил нурлар ва вибрация ёрдамида тирик ипак қуртини қайта ишлашнинг технологик жараёнини ҳисоблаш, энергия самарадорликка қаратилган ишларни бажариш, юқори сифатли маҳсулотларни олиш учун энергиятежамкор ва паст ҳароратли технологик жараёнларни бошқариш имконини беради.

Шу тарзда инфрақизил нурлар билан тирик ипак куртини дастлабки қайта ишлашнинг технологик жараёни ҳисоблаб чиқилди, энергия тежалишига эришилди ва маҳсулот сифати яхшиланди.



1-ИҚ нурлатгич; 2-термопара;
3-терморостлагич; 4-таглик;
5-рақамли индикатор тарози;
6-таглик; 7-хомашё;
8-вибратор; 9-вентилятор.
**1-расм. Лаборатория-
экспериментал вибрацияли
ИҚ-қуритиш қурилмаси**

1-жадвалда дастлабки қайта ишлаш учун келтирилган ипак курти ғумбакларига ишлов беришда такрорий тажриба натижалари келтирилган.

1-жадвал

Тадқиқот натижалари

№	Ишлов бериш усули	Изланишлар натижалари расмлари
1	3 дақиқа давомида 250-300 Вт қувват билан микротўлқинли нурланиш ёрдамида қайта ишланган. Қайта ишлаш жараёнида 20% ғумбакларда суюқлик (серицин) оқиши кузатилган.	
2	Кун давомида -8 °С ҳароратда музлатгичда ишлов берилган ипак куртлари 100% нобуд бўлади ва 38-40 °С ҳарорат остида 16 суткада давомида охириги намлиги 10-12% гача қуриши аниқланди.	
3	55-60 °С ҳароратда ИҚ нур билан қайта ишланган ғумбаклардан 10 кун ичида 15-20%дан капалак учиб чиқиши кузатилди. 38-40 °С ҳароратда 25 кун ичида охириги намлик 10-12% ни ташкил қилиши аниқланди.	
4	60-65 °С ҳароратда ИҚ нур билан қайта ишланган ғумбакларда 10 кундан кейин моғор пайдо бўлиши 25-30% ни ташкил этди. Қуритиш жараёнида хона ҳароратида 18 кун давомида 38-40 °С ҳароратда намликнинг якуний миқдори 10-12% гача эканлиги аниқланди.	
5	65-70 °С ҳароратда ИҚ нур билан қайта ишланган ғумбаклар 15-18 дақиқадан сўнг 100% нобуд бўлиши ва 14 кун давомида 38-40 °С ҳароратда намликнинг якуний миқдори 10-12% гача эканлиги аниқланди.	

1-жадвалнинг давоми

6	75-85 °C ҳарорат оралиғида ИҚ нурлари билан ишлов берилган пиллаларнинг 10-15% дан суёқлик (серецин) чиқиши натижасида сифати ёмонлашди. 12 кун давомида 38-40 °C ҳароратда қуритиш оҳирги намликни 10-12% га етказиш имконини берди.	
7	65-70 °C ҳароратда вибрация ва ИҚ нур ёрдамида 8-10 дақиқа ишлов берилганда ғумбаклар 100% га нобуд бўлиши ва 7 кун давомида 38-40 °C ҳароратда якуний намлик 10-12% гача камайиши аниқланди.	

Экспериментал тадқиқотлар турли ҳарорат ва вақт билан беш марта такрорланган ҳолда ўтказилди. Тирик ғумбакни 50-55 °C ҳароратда қайта ишланганда 10 кун ичида 25-30% да моғорланиш кузатилди, 15-20% да эса капалаклар учиб чиқиши аниқланди. 85-95 °C ҳароратда қайта ишланган ипак қурти ғумбаклари 10-15% нинг сифати ёмонлашди. 8-10 дақиқа 65-70 °C ҳароратда қайта ишланганда ғумбаклар 100% нобуд бўлди ва қуритиш сифати яхшиланди.


Диффузия моделининг самарадорлигини таҳлил қилишда уч хил аналитик ечимлар (9, 11 ва 14-тенгламалар) томонидан олинган тажриба маълумотлари ва башоратларни 2, 3 ва 4 расмларда, шунингдек, ҳар бир тенглама учун хатоликларнинг тақсимланишини таққослаш мумкин. (16) тенглама маълум бир «*k*» нуқтада башорат қилинган ва кузатилган маълумотлар орасидаги хатони аниқлаш учун ишлатилади ва хатонинг тарқалиши 5 даражали полиномал тенгламага мос келади. Тажриба ва кузатилган маълумотлар ўртасидаги дисперсия $T=70$ °C, $u=0,8$ м/с, $A=0,016$ м ва $F=8,15$ Гц. Бошқа шартлар бўйича натижалар жуда ўхшашлиги сабабли улар бу ерда кўриб чиқилмайди. Чексиз қаторлар билан аниқланган аниқлик ечимларини ҳисоблаш жараёни (MatLab) ёрдамида амалга оширилди ва модел параметрлари бир вақтнинг ўзида энг кам квадратлар мезони асосида баҳоланди.

$$\text{Error}_k = \chi_k^{\text{exp}} - \chi_k^{\text{obs}} \quad (16)$$


2-расмдаги текшириш (9) (тенглаштирилган чизик) тенглама билан башорат қилинган маълумотларнинг нафақат қуритиш бошланишида ($t=0$), балки шунга ўхшаш натижаларга эришган бошқа муаллифлар кўрсатганидек, сезиларли даражада оғишганлигини қуйидаги етита нуқтада кўриш мумкин. Ушбу фикрлардан сўнг, башорат қилинган эгри чизиклар мос келади. Ефремов ва Кудра таклиф қилган тенглама ҳисоблаш хатосини 1% гача камайтириш учун $n=58$ шартли қаторларни ечади ва текис чизикли намлик нисбатининг максимал қийматига яқин бўлган орбитани кесиб ўтади ($HK \approx 1.0$).

Намлик даражаси (9) формула бўйича $t=0$ бўлганда олдиндан башорат қилинади, бошқа томондан 0.61 бу намлик каби ўлчовсиз ўзгарувчига мутлақо тўғри келмайди. $n=1$ бўлганда диффузия моделининг ечими $t=0$ даражасида намлик камлигини, 7 дақиқа қуриганидан сўнг экспериментал равишда топилган қийматни башорат қилади. (9) тенгламанинг чап томони $t=0$ да четланишларни минималлаштириш тенгламанинг ўнг томонга тенг бўлиши керак, бироқ бу башорат амалда бажарилмайди, чунки $(6/\pi^2)$ 1 га тенг эмас. Бу башорат жуда

нозик материал ва узоқ вақт қуритиш учунгина қўлланилади, бу эса Фурье рақами жуда юқори бўлиши кераклигини англатади. Бу ҳолда (9) тенглама йиғиндисига биринчи гармоник компонента ($n=1$) барча атамалар йиғиндисига нисбатан ўртача намлик миқдорига камроқ ҳисса қўшади.




2-расм. Олдиндан башорат қилинган ва кузатилган НК (а) ва хатоларнинг тақсимланиши (б) (9) учун тенглама $T=70$ °С, $u=0,8$ м/с, $A=0,016$ м ва $F=8,15$ Гц. Ўртача хатолик: $-0,0776$ ($n=1$) ва $-0,0085$ ($n=58$); 5-градусли полиномиал мос келишув: $R^2=0,9998$ ($n=1$) ва $0,9979$ ($n=58$)




3-расм. Олдиндан башорат қилинган ва кузатилган маълумотлар НК (а) ва хатоларнинг тақсимланиши (б) (11) тенглама учун $T=70$ °С, $u=0,8$ м/с, $A=0,016$ м ва $F=8,15$ Гц. Ўрта хатолик: $0,0086$ ($n=1$) ва $0,0085$ ($n=58$); 5-градусли полиномиал мос келишув: $R^2=0,9630$ ($n=1$) ва $0,9629$ ($n=58$).

Шундай қилиб $n=1$ бўлган (9) тенгламада, ушбу ишда тасдиқланган шароитлар учун экспериментал маълумотларни ростлаш тавсия этилмайди, чунки намликнинг динамик мувозанатига бир неча дақиқа қуритилганидан сўнг эришилди. Аналитик ечимни кетма-кет битта аъзо билан ишлатишнинг афзаллиги шундаки, агар диффузия коэффициенти доимий деб қабул қилинса, уни график ёрдамида осонгина топиш мумкин. 2-расмдан кўриниб турибдики, $n=1$ бўлган (9) тенгламанинг ечими ўртача хатолик билан кучли аралашига олиб келади.

2-расмда кузатилган ва башорат қилинган маълумотларни таққослаш натижалари шуни кўрсатдики, (9) тенгламада кинетик маълумот қуритиш бошланишида баҳоланмайди, охирида эса баҳоланади. $D_{эфф.}$ доимий деб қабул қилинган (9) тенгламада экспериментал маълумотлар ушбу параметрнинг ўртача қиймати мос келади деб башорат қилинади. Қуритиш жараёнида $D_{эфф.}$ қуритиш вақтига, материалнинг хусусиятларига, иш шароитларига ва намлик миқдорига боғлиқ бўлиши мумкин.



4-расм. Олдиндан башорат қилинган ва кузатилган НК (а) ва хатоларнинг тақсимланиши (б) (14) тенгалама учун $T=70\text{ }^{\circ}\text{C}$, $u=0,8\text{ м/с}$, $A=0,016\text{ м}$ ва $F=8,15\text{ Гц}$. Ўртача хатолик: $-0,0007$ ($n=2$) ва $0,0058$ ($n=100$); 5-градусли полиномиал мос келишув: $R^2=0,8465$ ($n=1$) ва $0,9369$ ($n=100$)



5-расм. Экспериментал вибрацияли ИҚ қуритиш қурилмасида олдиндан башорат қилинган ва кузатилган ўртача намлик даражаси (а) вибрацияли (1, 2, 3, 4 тажрибалар) ва (б) вибрациясиз (5, 6, 7, 8 тажрибалар)

Диффузия коэффициенти мавжуд намликнинг оний қийматларига боғлиқ (сув миқдори ва вақтга қараб ўзгариб туради), ушбу тенглама чизиқли ва уни ечиш мураккаб бўлганлиги сабабли бу ишнинг мақсади масаланинг аниқ аналитик ечимини олиш эмас. Қуритиш жараёнида диффузия коэффициентининг ўзгариши билан ушбу параметрнинг аниқ қиймати самарали диффузия коэффициенти учун ҳисобланган ўртача қийматдан паст бўлади. Бошқача қилиб айтганда “мувозанат” намлиги (б) ва аҳамиятсиз ташқи қаршилик ($Bi_0 \rightarrow \infty$) чегара шартлари сифатида қабул қилинган ҳолларда доимий диффузия гипотезаси ноўрин. Шунга ўхшаш таҳлилни $40\text{ }^{\circ}\text{C}$ ҳароратда қуритиш учун қўллаш мумкин.

Қуритиш кинетикаси таҳлили. Параметрлар (11) формулага мувофиқ барча иш шароитлари учун ҳисобланади. Қатламни қуритиш таҳлиллари ($B=0$) механик тебранишсиз ишлайдиган қурилма ёрдамида амалга оширилди. Намликнинг самарали тарқалиши Карслав ва Йегер томонидан тақдим этилган трансцендентал тенгламанинг жадвалли илдизлари билан боғлиқ бўлган турли хил Био рақамлар учун D_0 ва E_a , ҳамда сферик геометрия учун ҳисобланган параметрлар билан (14) формула бўйича ҳисоблаб чиқилган Бионинг “мақбул” қиймат аниқланиш коэффициентининг энг юқори қийматига асосланган ҳолда

Энг яхши мос келадиган кўрсаткич эди. Ҳисобланган Био қиймати 0.04 га тенг эди. 5-расмда (11) формулага биноан экспериментал маълумотлар ва башоратлар ўртасида вибрация ва ИҚ нурлар билан қуриштиш учун мос келишув кўрсатилган.


Натижалар шуни кўрсатдики, вибрация намликнинг янада самарали тарқалишига ёрдам беради, айниқса, $T=70\text{ }^{\circ}\text{C}$ ва газ тезлиги 0,8 м/с бўлган шароитида таъсир янада аниқроқ. Ушбу шартлар учун $D_{эфф.}$ титрамайдиган қатлам шароитида олинган $D_{эфф.}$ га нисбатан деярли 60% юқори ($B=0$ ва $u=0,8$). Вибрациянинг интенсивлиги, айниқса биомасса каби кам самарали диффузия билан қуритиладиган материаллар учун фойдали бўлиши мумкин.

Қуриштиш қурилмасининг ишлаш жиҳатларига келсак, вибрация параметрларини эҳтиёткорлик билан танлаш керак, чунки A ва F даражалари қуриштиш тезлигини максимал даражада ошириши ва энергия сарфини камайтириши керак.

Бизнинг маълумотларга кўра $T=70\text{ }^{\circ}\text{C}$, $u=0,8\text{ м/с}$, $A=0.016\text{ м}$ ва $F=8,15\text{ Гц}$ бўлганда $D_{эфф.}$, шунга ўхшаш бўлган шароит $A=0,003\text{ м}$ ва $F=18,2\text{ Гц}$ билан солиштирилганда тўрт баробар кўпайди. $A=0.016\text{ м}$ ва $F=8.15\text{ Гц}$ комбинацияси текширилаётган шароитлар орасида $D_{эфф.}$ нинг энг юқори қийматини берди. Шундай экан, ушбу вибрация параметрлари қуриштиш тезлигини ошириш учун титраш қатлами билан қуришилган намликнинг паст даражада тарқалишига (худди шундай характерли ўлчаш учун) қаршилик кўрсатади.

Вибрацияли инфрақизил қуриштиш қурилмасида ҳароратнинг бир маромлилигини таъминлаш ва ипак қурти ғумбагини дастлабки қайта ишлаш жараёнида тайёр маҳсулот сифатини сақлаб қолиш учун тепловизор ёрдамида ҳарорат майдони ўрганилди.

Лаборатория тажрибалари ўтказилди ва ипак қурти ғумбагини дастлабки қайта ишлаш учун инфрақизил вибрацияли қуриштиш қурилмасида ҳарорат майдонлари ўрганилди (6-7-расмлар).




Тасвир параметрлари:
Нурланиш коэффициенти: 0,93
Ҳарор. акс эттир. [°C]: 22,0


Тасвирлардаги белгилар:

Ўлчанаётган объектлар	Ҳарор. [°C]	Нурланиш	Ҳар. акс эттир. [°C]	Изоҳлар
Ўлчанаётган нукта 1	66,3	0,93	22,0	CenterSpot
Ўлчанаётган нукта 2	73,3	0,93	22,0	-
Ўлчанаётган нукта 3	82,7	0,93	22,0	-
Энг совуқ нукта 1	62,9	0,93	22,0	-
Энг иссиқ нукта 1	266,0	0,93	22,0	-

Гистограмма:



6-расм. Ғумбакни қуриштиш жараёни гистограммаси ва ҳароратини ўлчаш



Тасвир параметрлари:
Нурланиш коэффициенти: 0,93
Ҳарор. акс эттир. [°C]: 22,0


Тасвирлардаги белгилар:

Ўлчанаётган объектлар	Ҳарор. [°C]	Нурланиш	Ҳар. акс этт. [°C]	Изоҳлар
Ўлчанаётган нукта 1	36,8	0,93	22,0	CenterSpot
Ўлчанаётган нукта 2	43,3	0,93	22,0	-
Ўлчанаётган нукта 3	46,2	0,93	22,0	-
Ўлчанаётган нукта 4	45,7	0,93	22,0	-
Ўлчанаётган нукта 5	42,4	0,93	22,0	-
Ўлчанаётган нукта 6	44,6	0,93	22,0	-
Ўлчанаётган нукта 7	45,2	0,93	22,0	-
Ўлчанаётган нукта 8	43,1	0,93	22,0	-
Ўлчанаётган нукта 9	42,4	0,93	22,0	-
Ўлчанаётган нукта 10	40,8	0,93	22,0	-
Ўлчанаётган нукта 11	40,2	0,93	22,0	-
Ўлчанаётган нукта 12	43,0	0,93	22,0	-
Ўлчанаётган нукта 13	39,4	0,93	22,0	-
Энг совуқ нукта 1	32,1	0,93	22,0	-
Энг иссиқ нукта 1	47,3	0,93	22,0	-


7-расм. Қуришилган ғумбакнинг ҳароратини ўлчаш

Тажрибаларда ИҚ майдонларнинг пиллага таъсири ўрганилди. Ғумбакнинг ички ҳарорати ҳисоблаш ёрдамида аниқланди, ташқи параметрлари эса чегара шартлари сифатида вибрацияли ИҚ-қурилманинг математик моделига киритилди. 8-расмда пилланинг башорат қилинган ички ҳарорати ўзгаришларини модель кўринишидаги тасвирланиши билан экспериментал маълумотларни (пилланинг бошланғич ички ва ташқи ҳароратлари) таққослаш натижалари келтирилган.

Пиллани вибрацияли ИҚ-қурилмада қуриштиришнинг математик моделидан олинган рақамли натижалар экспериментал олинган натижалар билан мос келади. Шунинг учун пилланинг қуриштириш моделини пилла девори орқали иссиқлик ўтишини аниқ ҳисоблаш учун, шунингдек пилла деворининг иссиқлик хоссаларини тадқиқ этиш учун қўллаш мумкин.



8-расм. Пилланинг математик моделлаштириш ёрдамида олинган ички ҳароратини тажрибавий натижалар билан таққослаш (1) (2)



9-расм. Пилла девори моделининг ички ва ташқи юзаларидаги статик босимни таққослаш

Пилла девори ғовакли тузилишга эга бўлганлиги сабабли иссиқлик ғоваклардан ўтади. Девор орқали ўтаётган ҳаво ҳажми, нурланиш ва ўтказувчанлик ундаги иссиқлик ўтказилишини ўзгартиради. Пилла деворидаги микрооқим майдони босим градиенти туфайли юзага келадиган диффузия ҳисобига вужудга келади. 9-расмда пилланинг ички ва ташқи юзалари орасидаги моделлаштирилган статик босимларни таққослаш натижалари тасвирланган.

Баҳорда етиштирилган ва қайта ишланган «Ипакчи-1» дурагай навли ипак қурти ғумбакларининг сифат таҳлили «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси қошидаги илмий-тақиқот институти лабораториясида ўтказилди.

2-жадвал

Ипак қурти ғумбагининг узлуксиз ечилиши ва ипнинг умумий узунлиги

Намуна рақами	Якка тартибдаги ечиш, ўргача қиймати		Пилла қобиғининг ечилувчанлиги, %
	Узлуксиз ечиладиган узунлиги, м	Умумий узунлиги, м	
1	617	1417	43
2	837	1271	65
3	275	1329	20
4	612	1283	47
5	858	1350	63
6	692	1275	54
7	933	1025	91

3-жадвал

Ипак қурти ғумбаги намунасида ипак чиқиши


Намуна рақами	Маҳсулот чиқиши, %						
	Ипак хомашёси	Пилла сдири	Донка қобиғи	Жами ипак маҳсулоти	Ғумбак	Эрувчан моддалар	Бирлик харажат
1	36,74	7,27	4,73	47,74	50,29	1,97	2,72
2	41,37	3,67	5,21	50,90	47,30	1,80	2,42
3	40,51	5,32	5,10	49,28	48,49	2,23	2,47
4	33,71	6,61	4,45	44,67	53,23	2,10	2,97
5	41,26	4,32	4,17	50,95	47,15	1,90	2,42
6	38,95	5,26	4,74	48,95	49,12	1,93	2,57
7	41,28	3,91	4,15	50,92	50,1	2,0	2,45

2 ва 3 жадвалларда кўп маротабалик тажрибалар натижалари келтирилган. Олинган тажрибавий натижалар шуни тасдиқлайдики, ИҚ-қуритишда

вибрацияни қўллаш (7 рақамли намуна) ипак қурти ғумбакларига дастлабки ишлов бериш жараёнини тезлаштиради.

Тадқиқот натижалари бўйича мақбул ҳарорат 65-70 °С ва ишлов бериш вақти 8-10 дақиқа бўлганда ғумбаклар 100% нобуд бўлиши ва қуритиш сифати ошиши кузатилди. Қисқа муддатли ишлов бериш ҳисобига сўнгги маҳсулот сифати ошади ва энергия сарфи камаяди.

Диссертациянинг «**Вибрацияли ИҚ-қурилмани такомиллаштириш**» деб номланган тўртинчи бобида ипак қурти ғумбагига дастлабки ишлов бериш учун инфрақизил вибрацион қурилманинг конструкцияси ва ишлаш принципи келтирилган. Пилланинг янги ҳосили бункер 6-дан стационар корпус 1-га ўрнатилган юклаш бункери 7-га узатилади, ундан қия таглик 16-ли вибрацион камера 2-га ўтади. Қиялик ростловчиси 9 ёрдамида пилланинг конвейер тезлигини бошқариш мумкин, бошқариш блоки 5 ёрдамида вибрация параметрлари ўрнатилади ва мувофиқ равишда жараён ҳарорати бошқарилади. Вибрацион двигатель 11 вибрация оралиғини 19-ни барчасидан фойдаланиб, тебранишлар ҳосил қилади. Пиллалар қия тагликлар 16 бўйлаб пастга ҳаракат қилади. Вибрация камераси 2 нинг остига амортизация учун резина ёстиқ 12 қўйилган. Тўлқин ўзгартиргич 17-ли керамик ИҚ-қиздиргичларнинг пилла ҳаракатланиши йўлининг давоми бўйлаб юклаш бункери 7-дан тушириш қисми 15-гача текис амалга ошишини таъкидлаш лозим. Пилла қия тагликлар 16-га ишлов бериш учун келишидан илгари ИҚ-қиздиргичлар 3 қиздириш учун қўшилади. Энергияни тежаш учун ИҚ-нур қайтаргичлар 13, ҳамда юқори дарчаси 4 ва ён томон қалқонлари 18 ўрнатилган. Энергия сарфини тежаш маҳсулот таннархини арзонлашишини таъминлайди. Жараён ҳароратини ростлаш термо ўзгартиргич 10 ёрдамида амалга оширилади. Ишлов берилган пиллалар тушириш узели 15 орқали қурилмани тарк этади.



1-стационар корпус; 2-вибрацион камера; 3-керамик ИҚ-қиздиргичлар; 4-юқори дарча; 5-бошқариш блоки; 6-тирик пиллаларни йиғиш бункери; 7-юклаш бункери; 8-пилла йўналтирувчиси; 9-тагликларнинг қиялик бурчагини ростлаш воситаси; 10-термоўзгартиргич; 11-вибрацион двигатель; 12- вибрацияни амортизациялаш ёстиғи; 13-ИҚ-нур қайтаргичи; 14-қайта ишланган пиллалар учун лоток; 15-тушириш узели; 16-қия тагликлар; 17-эластик тўлқин генератори; 18-ён қалқонлар; 19-вибрацияни ҳосил қилиш масофаси.

10-расм. Ипак қурти ғумбагига дастлабки ишлов бериш қурилмаси.

Қуритиш қурилмасининг хомашё билан контактга кирувчи элементлари фойдаланиши меъёрий ҳужжатлар билан рухсат этилган тўр материалдан тайёрланиши керак. Қуритиш қурилмасининг техник параметрлари 10-расмда келтирилган.

Ушбу қурилма учун техник шартлар (Ts-26985714-01:2019) ва уларни серия тарзида ишлаб чиқариш учун техник топшириқлар (ТЗ-26985714-03-2019) ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

ХУЛОСА

1. Ипак қурти ғумбаги деворида иссиқлик ва намлик ўтказилиш жараёнларини тавсифловчи энергия ва массанинг мувозанат тенгламалари таклиф этилган, ипак қурти ғумбагининг ғовак деворида иссиқлик ва намлик ўтказилиши ва уларнинг ўзаро таъсири пилла деворининг асосий тузилиши ҳисобга олинган ҳолда моделлаштирилган, модель жараён ҳақидаги дастлабки башоратларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган.

2. Қурилма вибрациясининг ўзгарувчан параметрлари ва қуритиш шароитлари учун қуритиш кинетикаси ўрганилган, намлик диффузиясининг самарали коэффициентлари олинган. A ва F нинг турли комбинацияларидан олинган B нинг универсаллиги ва унинг $D_{эфф.}$ га таъсири, қуритишнинг турли шароитларида энергиядан фойдаланиш бирлиги таҳлил қилинган, мақбул энергия тавсифлари олинган.

3. Вибрация қўллаш орқали ИҚ-қуритиш жараёни жадаллаштирилган. Синалган шароитлар орасида энг юқори тебраниш амплитудаси $A=0,016$ м, частота эса $F=8,15$ Гц ни ташкил этганда $D_{эфф.}$ кучайган.

4. Фақат B параметр билан асосланган $D_{эфф.}$ ни баҳолашнинг мавжуд эмпирик тенгламалари адекват эмас, чунки B нинг биргина қийматига $D_{эфф.}$ нинг турли қийматлари олинади. Бу вибрацион ИҚ-қурилмада қуритиш кинетикасини A ва F нинг турли қийматлари учун таҳлил қилиш ва мақбул ишчи шароитларини аниқлаш имконини беради.

5. Ипак қурти ғумбагига вибрацияли ИҚ-қурилмада 65-70 °С ҳароратда 8-10 дақиқа давомида ишлов берилганда 100% нобуд бўлиши ва 7 кун давомида 38-40 °С ҳароратда намлик 10-12% қолгунча қуриши аниқланган. ИҚ-қиздириш ва вибрациядан фойдаланилганда, электр энергиясини мавжуд технология ва қурилмаларга нисбатан 10 баробар тежалган.

6. Ипак қурти ғумбагига дастлабки ишлов бериш учун такомиллаштирилган вибрацияли ИҚ-қурилмаларни серияли ишлаб чиқариш учун техник шартлар (Ts-26985714-01:2019) ва техник топшириқлар (ТЗ-26985714-03-2019) ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

7. Диссертация иши бўйича ипак қурти ғумбагига дастлабки ишлов бериш учун ишлаб чиқилган ишланма ва тавсиялар «Ўзбекипаксаноат» уюшмасига қарашли корхоналарда қўлланилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2020 йил 29 июндаги 1-1/1258-сон маълумотномаси). Вибрацияли ИҚ-қуритиш қурилмасини қўллаш натижасида унумдорлик 1,22 маротаба ошган, ўртача умумий иқтисодий самарадорлик йилига 150 030 400 сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО - ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

САМАНДАРОВ ДОСТОН ИШМУХАММАТ угли

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ВИБРАЦИОННОЙ ИНФРАКРАСНОЙ
УСТАНОВКИ ДЛЯ ПЕРВИЧНОЙ ПЕРЕРАБОТКИ КОКОНОВ
ТУТОВОГО ШЕЛКОПРЯДА**

**02.00.16 - Процессы и аппараты химических технологий и пищевых производств
(технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.4.PhD/T1539.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу (www.tdtu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Сафаров Жасур Эсирганович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Исабаев Исмоил Бабажанович
доктор технических наук, профессор

Чориев Абдусаттор Жураевич
кандидат технических наук, доцент


Ведущая организация: Ферганский политехнический институт


Защита диссертации состоится «17» июля 2021 г. в «11⁰⁰» часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20; факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № 17, с которой можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре: (Адрес: 100011, Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан «05» июля 2021 года.
(протокол рассылки № 22 от «05» июля 2021 г.).




С.М. Туробжонов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор


Х.И. Кодиров
Учёный секретарь научного совета по
присуждению, учёных степеней,
д.х.н., доцент


К.О. Додаев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире развитие техники и технологии шелковой отрасли лёгкой промышленности считается всё ещё важной задачей экономики. Реализация усовершенствованных высокоэффективных конструкций установок решает ряд научно-технических задач этой сферы. В таких развитых странах, как Китай, Япония, Италия, Индия, Бразилия, Корея, Россия в шелководстве для первичной обработки коконов тутового шелкопряда получение качественной продукции путем усовершенствования технических средств и технологий играет важнейшую роль. В связи с этим техническое обеспечение технологических процессов имеет большое значение.

При развитии производства шелка в мире проводятся научные исследования по выращиванию коконов тутового шелкопряда и оптимизации процесса его переработки. В связи с этим особое внимание уделяется совершенствованию установок и процессов первичной обработки коконов тутового шелкопряда, в частности, совершенствованию технологий морки и сушки для получения высококачественной продукции, разработке технологии и моделированию процесса первичной переработки коконов тутового шелкопряда.

В соответствии с программой развития отрасли в стране особое внимание уделяется восстановлению и развитию шелководства, обеспечению шелкопрядов высококачественной местной зеленью, увеличению производства коконов, расширению племенной базы шелкопрядов и созданию условий для предприятий, производящих шелкопрядов, обеспечению высококачественным сырьем, достигнуты определенные научные результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы отмечены важные задачи, «...укрепление макроэкономической стабильности и поддержание высоких темпов экономического роста, повышение конкурентоспособности национальной экономики ... сокращение потребления энергии и ресурсов в промышленности, широкое внедрение энергосберегающих технологий»¹. Исходя из этих задач, в частности, совершенствование вибрационной инфракрасной сушильной установки и моделирование переноса тепла и влаги в стенках кокона тутового шелкопряда и сохранении качества шелка, имеет важное значение в процессе первичной переработки.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № ПП-2856 «О мерах по организации деятельности ассоциации Узбекипаксаноат» от 29 марта 2017 года, № ПП-3472 «О мерах по дальнейшему развитию шелковой отрасли в республике» от 12 января 2018 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан 2017 года 7 февраля УП-4947 - О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Научными исследованиями, направленными на разработку эффективности технологии и аппаратного оформления процессов сушки сельхозпродукции в т.ч. первичной обработки коконов тутового шелкопряда, занимались следующие зарубежные ученые: H.Zhang, J.Magoshi, M.Tsukada, J.Xing, E.Musayev, E.K.Nguku, Y.T.Hendaw, С.Г.Кузнецов, Э.Б.Рубинов, В.В.Красников, А.В.Лыков, Б.С. Сажин, а также отечественные ученые: Н.Р.Юсупбеков, З.С.Салимов, Дж.Н.Мухиддинов, А.Ф.Сафаров, Ж.М.Курбанов, Х.А.Алимова, К.Р.Авезов, С.З.Арипов, Х.Ф.Джураев, Қ.О.Додаев, К.Т.Норкулова и др. Ими разработаны научные основы процессов сушки капиллярно- пористых материалов, сформулированы практические рекомендации по внедрению современных технологий сушки сырья.

Вместе с тем, ученые мирового сообщества активно ведут научные исследования в приоритетных направлениях развития технологии сушки и конструирования высокоэффективных ресурсо- и энергосберегающих установок, получения качественной продукции из коконов тутового шелкопряда, моделирования процесса первичной обработки коконов тутового шелкопряда. Однако научные исследования по первичной обработке коконов тутового шелкопряда ведутся в недостаточной степени в плане интенсификации технологического процесса, синтеза усовершенствованных установок, позволяющих максимально сохранять качество исходного сырья в готовой продукции.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова в рамках научно-практического проекта Ф-А-2018-029 по теме «Разработка техники и технологии для морки и сушки коконов тутового шелкопряда» (2018-2020 гг).

Целью исследования является совершенствование вибрационной инфракрасной установки для первичной переработки коконов тутового шелкопряда.

Задачи исследования:

обеспечение энергосбережения за счет рациональной организации первичной переработки, сокращения продолжительности технологического процесса и обеспечения высокого качества готовой продукции;

